ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 7 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-112-117

БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА СИФАТЛАШ (ЭПИТЕТЛАР)ДАН ФОЙДАЛАНИШ

Дилафруз Собирова
Андижон давлат университети мустақил тадқиқотчи

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек болалар шеъриятида бадиий тасвир воситаларидан бири бўлган сифатлаш(эпитет) лардан фойдаланиш орқали болаларда оламни реал идрок этиш, нарса ва ҳодисаларнинг белгиларини аниқ ҳис қилиш ва ўз нутқларида улардан тўғри фойдалана олиш кўникмаларини ривожлантириш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Калит сўзлар: бадиий тасвир воситалари, сифатлаш, эпитет, троп, кўчим.

КИРИШ

Болалар шеъриятида кенг қўлланган бадиий тасвир воситаларидан бири сифатлаш(эпитет)дир. Сифатлаш кенг маънода предмет белгиларидан бирини кучайтириш ва шу орқали китобхон диққатини жалб этиш ҳамда ифодавийликни ошириш мақсадида қўлланадиган поэтик усул саналади [1. Б. 14].

У объектнинг қайсидир бир жиҳатини аниқловчи оддий белги эмас, балки муаллифнинг дунёни индивидуал ҳис қилиши орқали унинг эмоционал-руҳий, бадиий фикрлаш призмасидан ўтказилган мураккаб жараёндир [2. Б. 12].

Бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак, предметнинг сифатини тасвирли, образли ифодалаш учун ишлатиладиган сўз, тропнинг бир турига сифатлаш дейилади [6. Б. 91].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Илмий манбаларда сифатлаш троп, кўчим деб ҳам юритилади.

Эпитет, аслида, юнонча epitheton – илова этилган, изоҳловчи сўзларидан олинган бўлиб, бадиий сифатлаш демакдир. У нарса-ҳодисанинг белгисини образли ифодалайдиган бадиий аниқловчидир. Тил нуқтаи назаридан қаралса, сифатлаш (эпитет) ҳамиша аниқловчи вазифасида келади, лекин оддий аниқловчидан фарқли равишда, у бадиий-эстетик вазифа бажаради. Оддий аниқловчи нарса-ҳодисани бир турдаги бошқа предметлардан ажратиб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-112-117

кўрсатиш учун хизмат қилса (оқ булут), эпитет унга хос муайян белгини ажратиб, таъкидлаб кўрсатади (қордек оппоқ булут). Кўп ҳолларда эпитет белгини кўчма маъно орқали ифодалайди. Бундай ҳолларда метафорик эпитет ҳосил бўлади (ширин қуён) [5. Б. 369].

Болалар шеъриятида сифатлаш (эпитетлар)лар асосий бадиий тасвир воситаларидан саналади ва улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Турғун, доимий, барқарор эпитетлар. Бундай эпитетлар болаларга аталган шеърларнинг аксариятида учрайди. Ижодкорлар оламдаги нарса ва ҳодисаларни, шахсларни тасвирлашда уларга хос бўлган доимий белгиларга асосий эътиборни қаратадилар. Бу орқали болаларда оламни реал идрок этиш, нарса ва ҳодисаларнинг белгиларини аниқ ҳис қилиш ва ўз нутқларида улардан тўғри фойдалана олиш кўникмаларини ривожлантиришни бош мақсад қилиб оладилар. Мисол учун болаларга аталган шеърларда кўп дуч келинадиган олтин сўзига эътибор бериб кўрайлик.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да унга қуйидагича изоҳ берилган:

ОЛТИН 1 Менделеев даврий ситемасининг 1-гуруҳига мансуб кимёвий элемент; сариқ-қизғиш тусли қимматбаҳо нодир металл, зар, тилла. **2** Кўчма. Ҳар қандай қимматбаҳо ёки азиз нарса ҳақида. **3** Шу металлдан зарб қилинган пул. **4** Қимматбаҳо, бебаҳо (фикр, гап, сўз, иш, вақт ва шу кабилар ҳақида) [4. Б. 118].

Болалар шоирлари олтин сўзини юқоридаги маъноларда ўз шеърларида маҳорат билан қўллай олган. Масалан, К.Турдиеванинг шеърларидан олинган қуйидаги сатрларга эътибор бериб кўрайлик: 1. Олтин сандиқ очилди, Ундан тилак сочилди. 2. Яшил ёзни кузатиб, Олтин куз кирган замон. Эй, иссиқжон, иссиқжон, Учмоқдасан, қай томон? 3. Катта боғда мевалар кўп, Аммо зумрад майсалар, Мевалари олтин, кумуш, Барги гўё найзалар. (Кавсар Турдиева. “Сайланма”, 59-, 334-, 365- бетлар)

Берилган гапларнинг биринчисида олтин “эзгулик, яхшилик сақланадиган жой”, иккинчисида “фасл”, учинчисида “мева”ни сифатлаб келмоқда. Бу каби шеърлар болаларнинг фикрлаш дунёсини ўстиришга, улардаги эстетик дидни ривожлантиришга, улар нутқнинг гўзал тарзда юзага чиқаришга хизмат қилади.

Болалар шеъриятида қўлланган сифатлаш (эпитет)ларнинг мавзу доираси кенг ва серқирра. Уларда олтин, кумуш, тилла, темир, мис каби маъдан номлари; оқ, қизил, яшил, кўк, заррин, лоларанг каби ранг-тусни ифодаловчи сифатлар, паст, баланд, юксак, юқори, катта, кичик, улкан, баҳайбат сингари

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-112-117

шакл-кўринишни англатувчи сўзлар; шўх, асов, қайсар, меҳнатсевар, чевар, аълочи, иккичи каби хусусиятни билдирувчи лексик бирликлар кўп учрайди.

Кабутарнинг оппоқ тусда бўлиши, далаларнинг яшил рангга кириши, қизларнинг лоладек гўзал кўринишда бўлиши – булар табиий ҳол. Ижодкорлар болаларга аталган шеърларда мазкур ҳолатларни илғашга, ҳис қилишга, улардан роҳатланишга даъват этадилар.

Оппоқ каптар ўйин тушиб, Учиб ўтар боғлардан. (Абдураҳмон Акбар. “Уйқучининг тушлари”, 23-бет); **Яшил дала**, теринг лола, Қуймасидан яна жала. (Кавсар Турдиева. “Сайланма”, 243-бет); **Лоладек сулувлар**га, Токи гулдек бир хонага, Безак бўлиб қолмасин. (Кавсар Турдиева. “Сайланма”, 467-бет)

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, болалар шеъриятида барқарор сифатлашлардан кўра ижодкорларнинг индивудуал ёндашувлари кўзга ташланади. Мисол учун Анвар Обиджон, Абдураҳмон Акбар, К.Турдиева, Қамбар Ота томонидан қиз бола учун қўлланган сифатлашларга диққат қилиб кўрайлик.

Мисоллар: Зеҳнига-ку таъриф йўқдир, У шунақа **топқир қиз**. (Абдураҳмон Акбар. “Уйқучининг тушлари”, 23-бет); Жилмайиб қарар, Менга **қўшни қиз.** (Кавсар Турдиева. “Сайланма”, 102-бет); **Меҳнатсевар саришта қиз, Озода-ю фаришта қиз.** (Қамбар Ота. “Қуёш бола, ой бола”, 33-бет) ва ҳ.к.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Сатрларда юксак маҳорат билан қўлланган зўр, топқир, қўшни, меҳнатсевар, саришта, озода, фаришта сифатлашлари қиз, қиз бола характерига хос бўлган белги-хусусиятларни юзага чиқариш учун хизмат қилмоқда. Болалар шоирлари бундай сифатлашлар воситасида ёшлардаги ижобий фазилатларни ривожлантиришга, шундай характердаги қизлардан ўрнак олишга даъват этадилар. Шу билан бирга инжиқ, эркатой, такасалтанг, дангаса, ишёқмас каби сифатлашларига эга бўлган қизларга ўхшамасликка чақирадилар.

Айрим ижодкорлар ўз тўпламларида сифатлашларнинг ўзига хос мозаикасини яратганлар. Масалан, Яҳё Тоғанинг “Қарчиғайнинг жияни” тўпламидаги шеърларда “шифобахш шотут”, “сўпоқ сариқ сабзи”, “аччиқ саримсоқ”, “чўтир юзлик қулупнай”, “найнов терак”, “митти жон капалак”, “муғомбир, айёр тулки”, “шалпангқулоқ қуён”, “йиртқич бўри”, “кўкракдор, ёлдор арслон”, “текинхўр какку”, “беозор мусича” сифатлашли бирликлардан маҳорат билан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-112-117

фойдаланган. Ҳатто “Қовуннинг укаси” шеърида “ҳандалак”нинг эпитетлари сифатида “хушбўй”, “париваш”, “малак”, “тўр қоплаган”, “дўнгалак”, “хуштаъм”, “юм-юмалоқ” каби ўнлаб сўзлар қўллаган.

Шунингдек, Анвар Обиджон “Қоринботир” тўпламида қориндор фил, молфеъл кийик, тўлпоқ қуён, гўл қуён, жўжахўр шоқол, ўғри шоқол, сулув ҳакка, яшил дафтар, ваҳший бўри, қонҳўр бўри, оғзи қон бўри, ювош бўри, аҳмоқ бўри каби эпитетли бирликларни ишлатган.

2. Муваққат сифатлашлар. Бадиий адабиётда, жумладан, болалар адабиётида ижодий индивидуалликнинг ўзига хос кўринишлари намоён бўлиши билан бирга, нарса-ҳодисаларнинг кутилмаган жиҳатларини тавсифловчи сифталаш (эпитет)лар учрайди. Бундай сифталаш (эпитет)лар ифоданинг ёркин, тасвирнинг жонли бўлишига хизмат қилиб, асарнинг эстетик таъсир кучини оширади [5. Б. 369].

Масалан: Мисоллар: **Анжиргинам, анжиржон, Митти-митти кулчанон**. Кўпчиб тупроқ – хамирда, Пишдинг қуёш – тандирда. (Анвар Обиджон, “Кулчалар”, 63); Бой бола-ю, бой бола, **Қуёш бола, ой бола.** Поклардан таълим олар. Соғлардан таълим олар. (Анвар Обиджон. Капалак қўшиғи”, 22-бет); Наврўз дарагин топибми бодом, Оппоқ кўйлагин кийибди шодон. Безанди ўрик унга ҳавасда. Дейишар кўриб: “**Улкан гулдаста**” (Маъмур Қаҳҳор. “Оқ маймоқ ва музқаймоқ”, 54-бет); Тинчликман, тинчлик – Энг гўзал қўшиқ. Мен **олтин эшик**, Тинчликман, тинчлик. (Олқор Дамин “Тинчлик қўшиғи”, 2-синф учун “Синфдан ташқари ўқиш китоби”дан, 18-бет) ва ҳ.к.

Эътибор берилса, митти кулчанондек анжир, қуёш бола, ой бола, оппоқ қордек булут, тилла бола, тилла олма, олтин эшик каби сўз бирикмалари таркибида келаётган сифатлашлар доимий эмас, муваққат эпитетлар саналади. Бу каби сифатлашлардаги икки жиҳатга эътибор бериш керак:

а) улар индивидуал характерга эга; б) асосан, кўчма маънода қўлланган.

3. Кучайтирилган, метафорик сифатлашлар. Бу каби сифатлашлар қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради: а) сўзлар кўчма маънода қўлланади; б) эмоционал-экспрессив бўёқдорлик кучли бўлади; в) бадиий таъсирчанлик назарда тутилади; г) анъанавий сифатлашлардан қочилиб, янги, кутилмаган сифатлашлар қўлланади; д) ижодкорларнинг индивидуал истеъдодлари юзага чиқади.

Мисоллар: Ёмғир ерни ийдирар, **Яшил чакмон** кийдирар. (Турсунбой Адашбоев, “Она тилим”, 4-бет); Хазинангни оч, осмон, Ерга **момиқ кўрпа** ёп.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-112-117

(Н.Орифжонов “Оппоқ қор”, 2-синф учун “Синфдан ташқари ўқиш китоби”дан, 76-бет); Дарахтдаги куртакча, Ўзин улғайган билиб, **Яшил тилин** кўрсатар, Қишни калака қилиб... (Абдураҳмон Акбар. “Ғаройиб автобус”, 23-бет); Ватанимнинг боғлари, **Ойна – булоғ**и гўзал. (Барот Исроил “Шундай ўлкам бор”, 1-синф учун “Синфдан ташқари ўқиш китоби”дан, 7-бет); Юрмас аччиқ изғирин, далаларда изиллаб. Келар **ёқимтой, ширин, Шабада**лар ғизиллаб. (Дилшод Ражаб. Поезднинг боласи, 24-бет).

Сатрлардаги “яшил чакмон” – кўкламдаги майсалар, “момиқ кўрпа” – қор, “яшил тил” – баргнинг сифатлаши. “Сатанг қуён”, “ёқимтой, ширин шабада” – оригинал сифатлашдир

Кавсар Турдиеванинг “Пахта” шеърида пахтага нисбатан “паға-паға оқ булут”, “дур” сифатлашларини маҳорат билан қўллаб, чаноқларда оппоқ бўлиб очилиб ётган пахталарнинг бетакрор кўринишини тасвирлаган.

Ишонмасанг, бироз кут, Ахир, ҳар йил кузакда. **Паға-паға оқ булут**, Пайдо бўлар кўсакда. **Булутлар-чи, дур** каби Ғўзаларга сочилар. Ушлай дея уларни, Чаноқлар ланг очилар. (Кавсар Турдиева. “Кулча нон”, 8-бет)

Куз фаслида баргларнинг “тилла тангача”, баҳорда чақмоқнинг “олмос қалам” сифатига эга бўлиши ҳам ижодкорларнинг яратувчанлигини кўрсатиб турибди.

Дарахтлар оғушидан, Учар **тилла тангача. (**Қамбар Ота. “Қуёш бола, ой бола”, 15-, 29- бетлар); Чизар **олмос қалам**да, Нурдан кийик шоҳини. (Турсунбой Адашбоев, “Она тилим”, 4-бет)

Истеъдодли болалар шоири Х.Комилов тўрт қаторлик шеърда баҳорнинг тасвирини жуда чиройли тарзда гавдалантириб бера олган. Осмоннинг кўк-кўклиги феруза, булутларнинг оппоқлиги парқу, дарахтларнинг оч пушти рангдалиги нафармон ссифатлашлари ёрдамида тасвирланган. Охирги қатордаги бахмалдай сўзи ўхшатиш саналади.

Феруза осмон,
Парқу булутлар,
Атроф нафармон,
Бахмалдай қирлар. (Х.Комилов. “Мазали китоб”, 5-бет)

Болалар шеъриятида сифатдошларнинг содда ва мураккаб кўринишлари учрашини ҳам таъкидлаб ўтиш даркор. Масалан, “ширин” сифатлаши ўз ва кўчма маъноларда К.Турдиева шеърларида маҳорат билан қўлланганини кзатиш мумкин.

Ёздик дастурхон, Олинг патир нон. Келинг, ширмойга Ва **ширин чой**га; Шоирга тунги чироқ, Қалам, қоғоз яхшироқ. Фазогирга пўлат қуш, Уйқучига

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-112-117

ширин туш; Бизда **ширин** ҳар бир **сўз**, Шундан ҳамма иноқ дўст. Ҳаммада **ширинди**р **тил**, Оғримайди асло дил; Пластилиндан уй ясасам, Битта ўзим. Бувим суйиб эркалатар: "**Ширин қўзим**"; Полизимизда шу кун, Пишмоқда **ширин қовун**; Кузда қанор-қанорман, **Ширин**-нордон **анор**ман; Болалик, болалик энг **ширин эртак**, Болалик десанг энтикар юрак. (К.Турдиева. "Сайланма", 12-, 42-, 56-, 112-, 218-, 267-, 399-бетлар)

Мураккаб таркибли эпитетлар турли сўз туркумларининг бирикишидан ҳосил бўлади ва бадиий таъсирчанликни кучайтишга хизмат қилади.

Масалан: Мисоллар: **Пахмоқ қора булутча** – Қароқчилар кемаси. Оймомони ўғирлаб, Қочмоқчи у чамаси. Сузиб юрар кемача, Елканлари ҳилпираб. Ҳайриятки ой ундан, Тушиб қолди ғилдираб. (Анвар Обиджон, "Оймомони ўғирлаш", 34-бет) Бу гапда "пахмоқ қора булутча" бирлиги "сифат+сифат+от" қолипида тузилмоқда ва эстетик таъсирчанликни кучайтирмоқда.

ХУЛОСА

Умуман олганда, сифатлаш (эпитет)лар моддий борлиқни идрок этиш усулларидан бири бўлиб, у орқали нарса ва ҳодисаларга хос бўлган белгилар ўзига хос шаклларда юзага чиқарилади ва бу жараёнда таъкидга, бадиий таъсирчанликка алоҳида аҳамият қаратилади. Китобхонга тўғридан тўғри эмас, балки муайян белгини кучайтириш, алоҳида ажратиб олиш орқали таъсир кўрсатилади.

REFERENCES

1. Воронова А.Г. Эпитеты и определение в языке Камоэнса: Автреф. дисс... канд. филол. наук. – Москва, 1999.
2. Губанов С.А. Эпитет в творчестве М.И.Цветаевой: семантический и структурный аспекты: Автреф. дисс... канд. филол. наук. – Самара, 2009.
3. Серебренникова Н.Г. Механизм эпитета: Автреф. дисс... канд. филол. наук. – Тамбов, 2002.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик, 3-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ давлат илмий нашриёти, 2007.
5. Қуронов Д. , Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013.
6. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2002.